Газета 1997 йил 27 августдан чиқа бошлаган

1999 йил, 10 феврал, чоршанба
# 6 (70)

МУСТАҚИЛЛИК ҲУҚУҚ ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

# ЎЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ҚУРМОҚДАМИЗ

***(Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавобларидан)***

**Буюк аждодимиз юксак тараққий топган давлат барпо этгани ва бу мамлакатда «Куч - адолатда» деган бош шиор давлат сиёсатининг, жамият ҳаётининг асоси бўлганини яхши биламиз. Бу ғоя одамларга куч берган, уларда инсоф-диёнатга, эзгуликка ишонч уйғотган. Чунки жамиятда адолат барқарор бўлса, миллат, халқ ҳеч қачон йўлидан адашмайди, эртами-кечми фаровон турмушга эришади. Менинг раҳбарлик лавозимида меҳнат қилган тажрибамдан чиқарган энг муҳим ҳаётий хулосам шуки, адолат биз қураётган жамиятнинг мезони бўлмоғи даркор.**

**Нафақат мамлакатимиз миқёсида, ўйлайманки, ҳар қандай жамоа, маҳалла, борингки, оила мисолида ҳам омадимиз, файз-баракамизнинг гарови ва шарти бўлмиш тинчлик ва тотувлигимизни сақламоқчи бўлсак, бунинг ягона замини - адолат ва инсофни энг устувор мақсадимиз ва сиёсатимизга айлантирмоғимиз керак.**

**Фақатгина шу асосда бугунги эришган энг катта бойлигимизга - фуқаролар ризолиги, миллатлараро тотувлик ва юртимизда қарор топган осойишталикни сақлаш ва мустаҳкамлаш мумкин.**

**Ҳеч қачон кишилик жамиятида ғоявий бўшлиқ бўлмаган. Агарки шундай бўлиқ пайдо бўлса, сўзсиз унинг ўрнини бизнинг табиатимизга бегона турли хил мафкуравий тазйиқлар эгаллаб олиши ва ўз таъсирини ўтказиши муқаррар.**

**Биз ота-боболаримизнинг муқаддас дини бўлган ислом динини қадрлаймиз, ҳурмат қиламиз, одамзот руҳий дунёсида иймон-эътиқодни, инсоний фазилатларни мустаҳкамлашда унинг ўрни ва таъсирини юксак баҳолаймиз. Шу билан бирга фуқароларимизнинг эътиқод эркинлигини қонун асосида таъминлаш учун барча шарт-шароитларни яратиб бермокдамиз. Аммо биз диндан сиёсий мақсадлар ва ҳар қандай ёвуз ниятлар йўлида фойдаланишга мутлақо қаршимиз.**

**Биз жаҳон майдонида куни кеча пайдо бўлган халқ эмасмиз. Бизнинг миллатимиз, халқимиз кўҳна Хоразм заминида «Авесто» пайдо бўлган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади. Ўзбек миллати Ўзбекхон номидан тарқаган эмас, балки, Ўзбекхон ўзбек миллати номини ўзига исм қилиб олган бўлса, ажаб эмас.**

**Миллатни асраш керак, миллатни асраш учун эса унинг ҳақиқий тарихини ўрганиш, авайлаб ҳимоялаш керак. Миллий ғоя ҳақида гапирганимизда ана шу жиҳатларни албатта инобатга олишимиз зарур.**

**«Шу азиз ватан барчамизники, унинг фаровон келажаги ва иқболи учун яшаш, курашиш биз учун энг катта бахтдир».**

**Маънавият деганда, авваламбор, одамни руҳан покланишга, қалбан улғайишга чорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган кучни тасаввур қиламан.**

**Модомики биз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қураётган эканмиз, маънавият соҳасидаги йигирма биринчи асрга мўлжалланган ҳаракат дастуримиз ҳам ана шундан келиб чиқмоғи даркор. Яъни эркин фуқаро - онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур.**

**Эски асоратларни инкор қилиш осон, бироқ улардан қутулиш, уларни такрорламаслик - ўз-ўзидан бўладиган иш эмас.**

**Мана, биз етти-саккиз йиллик мустақил тараққиёт йўлини босиб ўтдик. Бу йўлда орттирган озми-кўпми тажрибамизга, эришган ютуқларимизга таяниб айтиш мумкинки, энди инкор қилиш кайфиятидан бунёдкорлик кай-фиятига ўтиш пайти келди.**

**Яқин ўтмишимизнинг яна бир сабоғи шуки, миллат, давлат, жамият тақдири ҳал бўлаётган паллада ўзлигимизни англаш, маънавий илдизларимизни унутмаслик катта аҳамиятга эга. Моддий етишмовчилик албатта оғир синов, лекин унга меҳнат билан, сабр-тоқат билан бардош берса, енгиб ўтса бўлади, аммо маънавий инқироз, маънавий қашшоқликдан, уларнинг оқибатидан - миллатлараро низолардан, биродаркушлик қирғинларидан худонинг ўзи асрасин.**

**... энди олдимизда ниҳоятда муҳим, келажагимизни ҳал қилувчи янги вазифа турибди. Бу вазифа эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, бошқача айтганда, озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир.**

**Бугунги ҳаётимизнинг кечаги кунимиздан асосий фарқини топмоқчи бўлсак, бу аввало, одамларнинг тафаккури ўзгариб, аниқроғи, юксалиб бораётгани билан белгиланади.**

**Биз бундай жамиятни қуришни, барпо этишни орзу қилмокдамиз ва шунга интилмокдамиз. Лекин бу гўзал орзуга эришмоқ учун тинимсиз интилиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини такомиллаштириш, умуминсоний қадриятларни ижодий ўрганиб, ўз замонамизга тадбиқ этиш лозим. Шу билан бирга миллий ўзига хослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, ҳамиша иймон-эътиқод билан яшаш каби ҳаётий тамойилларимизни ҳам сақлаб, юксалтириб боришимиз зарур.**



# ХОТИРА - УЛУҒ ҚИСМАТ, ҚАДРЛАШ - БУЮК ТАҚДИР

Ислом фалсафасида, мўмин мусулмон назарида улуғлик ҳам, буюклик ҳам ёлғиз Оллоҳнинг нисбати эрур ва Худо ярлақаган бандаларигагина бундай камол назарини мушарраф этади. Алишер Навоий ўзининг «Муножаат» асарида комиллик йўлига кирган инсон дилидаги моҳиятни белгиловчи дунёқарашни шундай талқин этади: «Илоҳим, улуғлик ва буюклик Сенинг шонингдадур, подшоҳлик ва фаришталик олами Сенинг ҳукм ҳамда фармонингдадир».

«Муножаат» буюк шоирнинг фалакдан ёғилган илҳом нури қалбини чароғон этган онлари ёди ёлқинланган мангу хотирадир. Уни уйғотмоқ, моҳиятига етмоқ унча-мунча одамнинг қўлидан келадиган иш эмас. Фақат биз, оддий ўқувчилари шуни биламизки, шоир ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ажиб бир фаоллик билан комиллик сари талпинади. Шунинг учун унинг қаҳрамонлари илтижо водийсида қолиб кетмасдан давлат тузувчи Искандар, тошкесар Фарҳод бўлиб жўшқин ҳаёт юзига балқиб чиқадилар ва беш аср беридан туриб ҳам биз уларни аниқ тасаввур этамиз.

Алишер Навоий қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов айтмоқчи, кўҳна тарихимиз шодасида битта гавҳардир. Бу шоданинг мукаммал талқини қалин-қалин йилномаларга жо бўлади. Бинобарин, хотира авлодлар ёди, тарихнинг айни ўзидир. Дунёда тарихсиз-хотирасиз миллатнинг ўзи йўқ. Хотирадан мосуво бўлган инсон манқуртга айланади. Тарихини йўқотган миллат ер юзидан изсиз йўқолиб кетади. Тарихда бунга мисоллар оз эмас.

Бежизга коммунистик мафкура бутун-бутун миллатларнинг тарихини бузиб талқин қилишга ва йўқотишга кўп куч сарфламаган эди.

Истиқлол туфайли тарих уйғонди.

Миллат уйғонди. Уйғониш ўзлигини англаш демакдир. Ўзлигини англаган, кимларга мансублигини тушуниб етган миллатгина буюк ишларни амалга оширишга қодир бўлади. Президентимизнинг 9 майни Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлаш ҳақидаги даъватлари замирида ана шундай катта мақсадни кўрамиз.

Яна Алишер Навоийга қайтсак, ҳар йили шоир таваллуд топган 9 февexpress шеърият байрами сифатида нишонлаш анъанага айланган. Зотан, шоҳ асарлари билан она тилимиз қадди-бастини жаҳон аро кўтариб қўйган Алишер Навоий ижодини ҳар қанча ўргансак оз.

Амир Темур бобомиз туғилган 9 апрелни ҳам нишонлаш яхши урф бўлиб қолмоқда.

Ўтган йили буюк мутафаккирлар Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғонийларнинг қутлуғ юбилейлари дунё миқёсида кенг нишонланди.

Бундай қутлуғ саналар, юбилейларни нишонлаш ўз йўлига. Бироқ бутун бир халқ оёққа қалқиб, табаррук она ҳайкали пойида эзгу туйғуларга кўмилиб, хотира майини сипқарса, бизни шу кунларга етишимиз учун елкасини тутиб берган боболаримиз, оталаримиз ёдини уйғотсак, бунинг савобини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмас.

Бу манзарада маҳзунлик эмас, балки ўз қадр-қимматини чуқур англаган инсонга хос виқор, эртанги кунга, келажакка ишонч бор.

Номаълум нарсаларга, мавҳумотга сиғиниш бизда ҳеч қачон урф бўлмаган. Хотира майдонида мен мулла бўлгани, уйида табаррук китобларни сақлагани учун қувғин-қамоқларда кун кўрмай кетган бобомни, ким учун ва нима учун урушганини ҳам билмасдан 19-21 ёшда олис жангоҳларда бедарак кетган Абдухолиқ ва Абдураҳим амакимни ёдга оламан. Осмондаги ойни олишга чоғланган ўғил-қизлар даврасида шу ҳақда содда-самимий суҳбат бўлади. Бу айни пайтда мустақиллик, истиқлол бизга нима берди ва нима ваъда қилади, каби саволларга содда-самимий жавоб ҳам бўлади. Биз хотира ва қадрлаш кунини шундай тасаввур этамиз.

**А.АБДУХОЛИҚОВ.**

**Алишер НАВОИЙ таваллуд топганига 558 йил тўлди**



*Турк назмида чу мен тортиб алам,*
*Айладим ул мамлакатни яккалам.*

*Тўрт девон бирла назми панж ганж,*
*Даст берди чекмайин андуху ранж.*

*Назму насрим котиби тахминшунос*
*Ёзса, юз минг байт этар эрди қиёс.*
(«Лисону ут-тайр»дан)

★★★

**Бу қалам (Навоий назарда тутилмоқда)га фалакдан офаринлар ёғилсин! Чунки бу ёқимли нақшни ўша қалам яратди ва форсий тил эгалари, форсча назм дурларини тизувчиларга раҳм қилди: у ҳам шу форсий тилда ёзганда, бошқаларга сўз айтишга мажол қолмасди. Бу мўъжизакор назм тарозиси қаршисида Низомий киму Хусрав ким бўлди?!**

**Абдураҳмон ЖОМИЙ**

★★★

**Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқан эмас.**
**...Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай.**
**... Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай.**

**Заҳириддин БОБУР**

• *Анжуман*

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

**Урганчда Бирлашган Миллатлар ташкилоти миллий мувофиқлаштириш гуруҳининг «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ноҳукумат ташкилотларининг роли» ҳамда «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ноҳукумат ташкилотларининг механизми ва воситалари» мавзуларига бағишланган анжумани бўлиб ўтди.**

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов анжуманни очиб, унинг мақсади ва моҳияти ҳақида нутқ сўзлади. Хоразм вилояти ҳокими И.Юсупов БМТнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бундай муҳим анжумани вилоятда ўтаётганлиги билан унинг қатнашчиларини қизғин табриклади.

Анжуман кун тартибидаги ҳар иккала масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори ўринбосари М.Гасанов, БМТнинг Тараққиёт дастури маслаҳатчиси Х.Карлсон, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси кафедра мудири ўринбосари Л.Кашинская, БМТ Тараққиёт дастури кўнгилли вакили Г.Астрид, Тошкент Давлат юридик институти катта ўқитувчиси Х.Муҳаммедов, Нотижорат ҳуқуқи халқаро Марказининг Ўзбекистондаги вакили И.Багдасарова, БМТнинг ОБСЕ бўйича Ўзбекистондаги вакили Г.Гончев, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Ўзбекистонда демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини такомиллаштириш» Тараққиёт дастури лойиҳаси бош техник маслаҳатчиси Нур Фараҳатнинг маърузалари тингланди.

Маърузалар муҳокамаси юзасидан вилоят адвокатлар уюшмаси раиси Р.Каримова, вилоят прокурори ўринбосари О.Ҳайитбоев, «Ал-Хоразмий - Вамбери» халқаро илмий жамғармаси раиси Б.Ҳасанов, Гурлан тумани ҳокими ўринбосари Р.Собиров сўзга чиқдилар.

Анжуманда вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва касаба уюшмаси ташкилотларининг раҳбарлари, ноҳукумат ташкилотларининг вакиллари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этдилар.

**Нукус.** Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида республика ҳуқуқ-тартибот идорлари раҳбарлари маҳаллий журналистлар билан учрашиб, очиқ мулоқот ўтказдилар. Учрашувни Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенгеси қўмита бошлиғи Ж.Садиқов олиб борди.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-майори Ж.Шилманов республикада жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш чоралари, фуқаролар билан ишлаш, диний экстремизмга қарши кураш, ҳуқуқий-тарғибот масалалари тўғрисида ахборот берди.

Республика прокуратураси, Адлия вазирлиги, Жоқарғи Суди, Давлат солиқ ва божхона бошқармалари раҳбарлари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

**А.ОРТИҚБОЕВ,**
**ўз мухбиримиз.**

• *Устозларимиз*

# ФИҚҲШУНОС ОЛИМ

Президентимиз томонидан 9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб белгиланиши силсиласида тириклигида донг таратган улуғларни қадрлаш ҳам ётади. Фан ва маданиятимиз, тараққиётимизга улкан ҳисса қўшган инсонларнинг юбилейларини нишонлаш ҳам, бизнингча, уларнинг умрларига умр, ҳурматларига ҳурмат қўшади. Айниқса, ёшларни инсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, ўзбек фиқҳшунослиги тарихи жуда қадим даврларга бориб тақалади. Бу илмнинг давомчилари ушбу соҳани собит қадамлилик билан давом эттириб келмоқдалар. Юридик фанлари доктори, профессор Солиҳ Султонов ана шундай олимлардан бири.

Солиҳ ака қарийб 50 йилга яқин ўзбек ҳуқуқшунослиги йўлида меҳнат қилиб, инсон ҳуқуқлари ва қонунчиликнинг долзарб муаммолари юзасидан олиб бораётган тадқиқотлари билан жамоатчиликка танилди.

Бу давр ичида у қонунчилик муаммоларига бағишланган кўплаб рисолалар, монографиялар, қўлланмалар чоп эттирди.

Солиҳ ака Тошкент юридик институтини битириб чиққач, дастлаб ушбу даргоҳда муаллим сифатида ишлай бошлади. Унинг меҳнат дафтарчасидаги белгиларнинг кўрсатишича, олим Ўзбекистон Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида етакчи илмий ходим, сўнгра М.Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети юридик факультети (ҳозирги ҳуқуқшунослик институтида) кафедра мудири, доцент ва профессор лавозимларида ишлаган. Булар таниқли олимнинг фақат бир соҳада, бир тизимда ишлаб эл орасида шуҳрат топганлигининг амалий ифодасидир.

Солиҳ Султонов руҳиятида ҳақиқий олимларга хос сифатлар - ўта одмилик, самимийлик, шогирдларга нисбатан меҳрибонлик ва кишиларга илиқ муносабат ифодаланганлиги унинг нақадар халқчил эканлиги нишонасидир.

Прокуратура, суд ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идораларида фаолият кўрсатаётган кадрларнинг деярли кўпчилиги Солиҳ акадан таълим олган.

- Мен, - дейди Фарғона вилоят прокуратураси терговбўлимининг етакчи терговчиларидан бири, Музаффар Мамажонов ўз устози ҳақида гапирар экан, - юридик институтни сиртдан битирганман. Меҳрибон устозим, профессор Солиҳ Султоновдан фиқҳ илмининг назарий асосларини ўрганибгина қолмасдан, айни чоғда юрист муомаласи, маданияти сирларини ҳам, самимийлик ўгитларини ҳам ўрганганман.

Профессорнинг қаламига мансуб «Демократик давлат сари» (1992), «Олий ва маҳаллий Кенгашларнинг ҳуқуқий асослари» (1992), «Аҳоли учун юридик маълумотнома» (1993), «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари» (1998), «Ижтимоий адолат қомуси» (1996), «Ўзбекистон Республикаси давлат вакиллик органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини ўрганувчиларга услубий ёрдам» (1996) сингари ўнлаб китоблари, қолаверса, «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари тизимининг тадрижий ривожланишига доир», «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси демократик тизимининг ривожланиши», «Мустақиллик луғати» каби илмий ва услубий рисолалар истиқлол мафкураси билан омихта ҳолда мустақилликни мустаҳкамлаш, демократик ҳуқуқий давлат қуриш ишига амалий жиҳатдан муҳим ёрдам берувчи асарлардир.



*Республика прокуратура идоралари ходимлари қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш билан биргаликда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида ҳам муҳим тадбирларни амалга оширмоқдалар. Бундай тадбирлар эса фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини танишда муҳим аҳамият касб этаяпти.*

**Суратда: Олмалиқ шаҳар прокурори ўринбосари Акром Жамолов фуқароларни прокуратура идораларига ариза билан мурожаат қилиш тартиби тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бормоқда.**

***А.МАМАТҚУЛОВ сурати.***

Профессор етмиш ёшни уриб қўйган бўлса ҳам ҳали тетик. У жумҳуриятимизда ҳуқуқий фанлар бўйича илмий даражалар берувчи бир неча кенгашларнинг фаол аъзоси. Олим ҳозирги кунда Тошкент Давлат университети ҳуқуқшунослик факультетида Ўзбекистон Республикаси давлат қурилиши фанидан талабаларга сабоқ бериб, муаллимликни сабот билан давом эттирмоқда.



**Профессор С.Султонов талабалар даврасида.**

- Ўзбекистонда шу кунгача ўнта Конституция қабул қилинган. Биринчи Конституция Туркистон мухториятининг, аниқроғи Туркистоннинг 1918 ва 1920 йилларда қабул қилган Конституциялари эди, - дейди Солиҳ ака. - 18-йилдагисининг характерли хусусияти шундаки, унда мустақиллик, истиқлолга эришиш йўлидаги интилишлар акс эттирилган. Бунда мухториятнинг мустақил ҳуқуқлари талқин этилган бўлиб, у Туркистонда Ташқи ва Ҳарбий ишлар халқ комиссарлиги тузилишини кўзда тутган, ер, сув, ер ости ва усти бойликларини мустақил бошқариш, РСФСР томонидан қабул қилинган ҳарбий ташкилотлар асосини Туркистон шароитига мослаб ўзгартириш ҳуқуқи, чет эл мамлакатлари билан бевосита алоқа қилиш, молия, кредит масалаларини ўзи ҳал қилиш, мухторият таркибига янги аъзолар қабул қилиш, ҳукумат қошида Ташқи ишлар, мудофаа, почта-телеграф, темир йўл халқ комиссарлиги ташкил этиш ҳуқуқлари акс эттирилган эди. Бунда Марказга тегишли ваколатларни мустақил бажариш лозимлиги қонуний ифода этилган эди.

Маълумки, 1920 йилда Хоразм ва Бухорода тўнтариш содир бўлиб, ҳокимият инқилобчилар қўлига ўтган эди. Ана шу муносабат билан ўша йили Хоразм Халқ жумҳурияти ва Бухоро Халқ жумҳурияти ташкил топди. 1920 ва 1923 йилларда Хоразмда ва 1921 ва 1923 йиллари Бухорода дастлабки Халқ жумҳуриятларининг ижтимоий тузуми, фуқароларнинг демократик ҳуқуқлари, давлат органларининг тузилиши, тизими, фуқароларнинг демократик ҳуқуқлари, хусусий мулк, тижорат, савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланиши сингари ҳуқуқлар берилиши мумкинлиги баён этилган эди.

1924 йили юзаки бўлса-да, Ўзбекистон «мустақил» ташкил бўлди. Сўнгра, 1927 йилда Ўзбекистоннинг Конституцияси қабул қилинди. Айтиш мумкинки, бу қонун халқ-пролетар диктатурасининг асосий қонуни бўлиб қолди. 1937 йилда қабул қилинган Конституция эса моҳият жиҳатидан тоталитар тузумнинг манфаатларини ўзида тўла ифода этувчи асосий қонун бўлиб майдонга чиқди. Бир сўз билан айтганда, ушбу Конституция собиқ Иттифоқнинг мафкураси бош бўлган ва унинг йўриқларидан чиқиб кетиш мумкин бўлмаган жумҳуриятнинг қонуни сифатида шаклланган эди. Ҳуқуқий муаммолар СССР Конституцияси доирасидагина ҳал этилар эди. Шу боис ҳам, бу мажмуа қатағон мудҳишликларни амалга оширишга кўмаклашган бирдан бир мафкура йўриғи эди.

1978 йилда қабул қилинган Конституция эса турғунлик йилларининг бош даври қонуни эди.

1992 йилда қабул қилинган Конституциясимиз ҳақли равишда мустақиллик, истиқлол Конституцияси сифатида майдонга чиқди. мустақил Ўзбекистонимизнинг мазкур Асоси Қонун демократик, инсонпарварлик, инсон ҳуқуқларининг ҳимоячиси сифатида, Президентимиз айтганларидек «Давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қобуснома дир».

Олим мустақиллик Конституцияси ҳақида гапирар экан, ушбу қомусимизни муқаддам қабул қилинган қонунлардан, Конституциялардан мутлақо устунлигини олим юқорида номлари санаб ўтилган рисолаларида ҳам илмий ва амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил этиб берганлигини айтиб ўтиш жоиз.. Солиҳ Султонов қатъий ишонч билан таъкидлаганидек: «Янги Конституция муқаддимасидан тортиб, 1-моддасидан то охирги 128-моддасига қадар янги демократик мазмундаги янги маъно, мантиқ, тиниқ фикрларга эга. Буларнинг барчаси инсон манфаатлари, келажаги буюк давлатимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида хизмат қилади».

**Ҳайдарали УЗОҚОВ,**
**Тошкент Кимё технологияси институтининг кафедра мудири, тарих фанлари доктори, профессор.**

*«Ҳуқуқ»қа жавоб келди*

## «ОДАТГА АЙЛАНДИМИ?»

**1993 йил 13 январь**

*Яккабоғ туман ҳокимлиги газетада босилган «Одатга айландими?» номли танқидий мақолани ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади:*

*Дарҳақиқат, бобокалонимиз Амир Темур туманимизда туғилганлиги сабабли у кишининг 660 йиллик таваллуд кунлари муносабати билан Хўжаилғор қишлоғидан 15 гектар ер ажратилиб, «Амир Темур» боғи ташкил этилган эди. Айни пайтда, ушбу боғда экилган мевали ва манзарали дарахтлар юз фоиз парвариш қилинмоқда.*

*Шу даврда Хўжаилғор қишлоғида Амир Темурга аталган тарихий музей, Амир Темур номли истироҳат боғи, кутубхона ва бошқа комплекс бинолар қурилиши учун ҳашар йўли билан лойиҳа - смета ҳужжатлари тайёрланиб, қурилишнинг дастлабки пойдеворлари қўйилган эди. Шунингдек, «Амир Темур» жамғармаси туман бўлими ҳам ташкил қилинди.*

*Бироқ, туман ҳокимлиги Республиканинг алоқадор вазирликларига бир неча бор маблағ сўраб хат билан чиқишига қарамасдан бобомиз туғилган жойдаги қурилиш иншоотларига бирон сўм ҳам маблағ ажратилмаганлиги, туманнинг иқтисодий жиҳатдан ночорлиги, ҳомий ташкилотларнинг йўқлиги сабабли бу қурилишларни давом эттиришнинг имкони бўлмади.*

*Яккабоғ туман ҳокимлиги «Амир Темур» жамғармаси туман бўлими ҳисоб рақамига барча хўжалик, корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳисобидан пул тушириш йўли билан ушбу муаммони ҳал этишни кўзда тутмоқда.*

**Б.РАҲИМОВ,**
**Яккабоғ туман ҳокими.**

*• Муаммо*

# БАЛИҚЧИЛИК ПРОКУРОР НАЗОРАТИГА МУҲТОЖМИ?

**Мана, саккизинчи йилдирки, мамлакатимиз эркин бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан дадил бормоқда. Истиқлол ғалабаларини ҳимоя қилиш, келажаги буюк бўлган Ўзбекистонимизнинг гуллаб яшнашида унинг экологик ҳолати ҳам муҳим ўрин тутади. Атроф-муҳит софлигига эришмай туриб, келажак авлод ва унинг тақдири ҳақида қайғуриб бўлмайди. Шубҳасиз, бу борада қонунчиликни мустаҳкамлаш муҳим ўрин тутади.**

Ҳозир қайси бозорга борманг, у ерда балиқ савдоси авжига чиққанлигини кўрасиз. Бироқ, бу балиқлар махсус балиқчилик хўжаликларидан олиб келинганми? Ёки ўзимизнинг дарё ва кўлларимиздан ғайриқонуний йўллар билан тутилганми? Балиқ етиштириш билан хусусий шуғулланаётганлар-чи, улар қонуний равишда рўйхатдан ўтганми, балиқ сотиш учун тегишли ташкилотлардан рухсатномалар олишганми? Улар сотаётган балиқлар республикамизнинг «Санитария назорати тўғрисида»ги Қонунига зид эмасми? Масаланинг бу томони билан прокуратура, Республика табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси органлари, давлат солиқ инспекцияси ҳамда «Ўзбалиқ» корпорацияси мутахассислари қизиқиб кўрмаганлари кишини таажжубга солади.

Биз балиқчилик соҳасидаги муаммолар ҳақида гапиришдан аввал, Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик фожеа, бутун ер юзини қамраб оладиган, биосфера, ўнлаб миллион кишиларнинг ҳаёт шароитларига, саломатлиги ва наслига ҳалокатли таъсир кўрсатувчи муаммолар тўғрисида тўхталмай ўтолмаймиз. Ҳақиқатан ҳам, Президентимиз жон куйдириб таъкидлаганларидек, «Халқларимизнинг энг оғир азобли дарди - Орол фожеасидир. Бу муаммо ўзбеклару қозоқлар тақдирига бевосита алоқадорлигидан ташқари, оламшумул аҳамият касб этмоқда...»

Унинг жароҳатларини эса бугунги кунда ўзимиз, Ўрта Осиё минтақалари давлатларининг аҳолиси тортмоқда. Республика балиқчилик хўжалигидаги бир қатор муаммолар ҳам кўп жиҳатдан аср фожеасига айланган Орол денгизи билан боғлиқдир. Балиқчилик хўжалиги, 60-йилларга қадар асосий балиқчилик маркази Орол денгизи бўйидаги Мўйноқда жамланган эди. Ўша пайтларда денгиз йилига 40 минг тонна балиқ етказиб берган. Шундан 25 минг тоннаси денгизнинг Ўзбекистонга тегишли қисмидан овланарди. Бугун -чи? Афсус билан қайд қилишимиз мумкинки, денгизга шафқатсизларча муносабатда бўлиш оқибатида Оролнинг балиқчилик соҳасидаги аҳамияти йўқотилди. Шундан сўнг республикамизда балиқчилик хўжалигини ривожлантириш учун бошқа имкониятлардан фойдалана бошланди. Лекин шунга қарамай, балиқчиликка нотўғри муносабатда бўлиш унинг истиқболини ўйламай иш тутиш оқибатида кейинги йилларда балиқ етиштириш кескин камайиб бормоқда.

60-йилларгача Ўзбекистонда 39 хилдаги балиқ тури мавжуд эди. Кейинги 30 йил мобайнида кўплаб балиқ турлари махсус, айримлари ҳар хил тасодифлар билан келтирилиб, иқлимга мослаштирилган. Шу йилларга келиб, умумий балиқ турлари 80 хилга кўпайган. Лекин, шу билан бирга айрим маҳаллий балиқ турларининг йўқолиб кетиш хавфи пайдо бўлди, ҳатто баъзилари бутунлай йўқолиб кетди. Жумладан, дарёларнинг ўрта қисмларида илгаридан яшаб келган, баъзи балиқ турлари урчиши учун алоҳида шароитнинг бузилиши туфайли қирилиб кетмоқда. Чунончи, 12 фоиздан зиёд балиқ турлари йўқолиб кетди, 4,8 фоиз ноёб балиқ турларини эса, «Қизил китоб»га киритишга мажбур бўлдик.

Табиат муҳофазаси қонунларга риоя этиш экологик муаммоларни ҳал қилишнинг энг ишончли йўлидир. Ер, сув, ҳавонинг ифлосланишига қарши умумий назорат ишларини олиб боришнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, у прокуратура ходимларидан жуда катта меҳнат ва изланишларни талаб қилади. Чунки, бу борадаги ҳар бир прокурор умумназорат иши ортида инсон ва унинг тақдири, сайёрамиз келажаги туради. Энг муҳими, бу текширишлар турли экологик фожеаларнинг олдини олишга самарали ҳисса бўлиб қўшилади.

Табиатни муҳофаза қилиш бўйича қонунчиликнинг бузилиши юзасидан назорат ишлари олиб бораётган прокуратура ходимлари шу соҳадаги назоратчи органларнинг вазифалари, ҳуқуқлари ва иш услубларини мукаммал билиши лозим. Чунки, жиноий иш қўзғатиш учун илк манбалар айнан шу ташкилотлар томонидан тушади. Иккинчидан: қонун бузувчиларнинг ҳуқуқ ва иш услубларини яхши билган прокуратура ходимигина улар томонидан содир этилган ҳолатни аниқ-равшан тасаввур қилади ва зарур қўшимча маълумотларни излаб топади.

Маълумки, Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзбалиқ» корпорацияси балиқчилик хўжалиги билан ҳамкорликда сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш бўйича назорат ишларини олиб борадилар. Корпорация вазирликлар тасарруфидаги ташкилотлардан балиқчилик хўжаликларига қарашли сув ҳавзаларининг ҳолатлари ва уларнинг ифлосланишининг олдини олиш тадбирларини амалга оширади. Уларга балиқларни ўрганиш, янги сув ҳавзалари қуриш ва бошқа муаммоларни ҳал қилиш вазифалари топширилган. Балиқчиликни муҳофаза қилиш органлари балиқчилик сув ҳавзаларининг иш режими ва тозалик меъёрларини таъминлайди. Балиқчиликни муҳофаза қилиш органларининг раҳбарлари ва инспекторлари ҳеч қандай тўсиқсиз, балиқчилик хўжаликлари корхоналарига, кемаларига, ташкилот, қўриқхоналарига кириш ва назорат қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ишларни амалга оширишда улар ўз ҳуқуқ доиралари даражасида ҳаракат қиладилар.

Табиат муҳофазаси қонунчилиги устидан умумий назорат ўрнатишда балиқчилик хўжаликларига қарашли сув ҳавзаларининг аҳволи, янги корхоналарни лойиҳалаштириш, қабул қилиш ва ҳоказо ваколатлар берилади. Бундай тадбирлар «Ўзбалиқ» корпорациясининг махсус кўрсатмасига асосан қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва СЭС билан ҳамкорликда амалга оширилади. Ушбу ҳужжатлар билан таниш бўлган прокуратура ходимигина балиқчиликни муҳофаза қилиш қонунларининг бузилиш сабабларини ва жавобгарларни тезлик билан аниқлай олади.

Кейинги пайтларда балиқчилик саноатидаги энг катта қонун бузилишлар хусусий балиқ савдоси оқибатида юзага келмоқда. Фараз қилайлик, биргина Тошкент шаҳрининг ўзида юзта шахобчада балиқ билан савдо қилинаётган бўлса, бу улкан рақам 500 тонна балиқ бир кунда қонунсиз талон-тарож қилинаяпти, деган гапдир.

Энг афсусланарлиси, балиқ сотувчиларнинг аксарияти на балиқлар урчийдиган пайт билан, на уларнинг ноёб турлари йўқолиб бораётганлиги билан, на уларнинг катта ёки майдалиги билан мутлақо қизиқмайдилар. Агар балиқчиликка мана шундай хўжасизларча муносабатни давом эттираверсак, бир куни келиб, балиқ заҳираси тугашига, балиқчилик инқирозга учраб, балиқ маҳсулотларини хорижий валюта ҳисобига чет элдан келтиришга мажбур бўлмаслигимизга ким кафолат бера олади?

Республикамиз балиқчилик хўжалигидаги мазкур муаммолар ҳозирги шароитда балиқчилик хўжалиги фаолияти устидан қатъий прокурор назоратини ўрнатишни талаб қилади.

**Т.МИРЗАЕВ,**
**юридик фанлари номзоди.**



Сўлим соҳил бўйи.

*• Ўқинг, қизиқ*

## САЛОМ, МИСТЕР ШЕРЛОК ХОЛМС

Орамизда бағоят сержумбоқ ва чигал жиноятларни фош этишга қодир бўлган, бутун дунёга донғи кетган англиялик изқуварни билмайдиган одам бўлмаса керак. Чунки у ҳақида ўнлаб ҳикоялар ва қиссалар битилган, изқувар талай фильмларнинг қаҳрамонига айланган.

Лондондаги Бейкер-Стритда мемориал тахта осилган бир кошона бор. Тахта ўткинчиларга бу уйда 1881-1903 йиллар машҳур Шерлок Холмс яшагани ва ишлаганини билдириб туради. Шунинг баробарида аксарият одамлар, Шерлок Холмс чиндан ҳам яшаб ўтганми, дея сўрашади. Улар бу каби саволни беҳудага беришмайди, чунки, девордаги қайдга қарамай, аслида бундай зотнинг ўзи бўлмаган. Шерлок Холмсни машҳурликда ундан қолишмайдиган ажойиб инглиз адиби Артур Конан Дойл ўйлаб топган. Гарчи шундай экан, ғаройиб қобилиятига ёзувчининг талай асарлари бағишланган донгдор Шерлок Холмс адабий қаҳрамон, холос.

Нақл қилишларича, ёзувчи Артур Конан Дойлнинг ўзи ҳам Шерлок Холмсга анча-мунча ўхшаган, яъни ўта кузатувчан одам бўлган ва жиноятлар замиридаги энг мураккаб жумбоқларни ечишнинг уддасидан чиқа билган. Лондон полицияси, шунингдек Хитой ва Миср ҳукуматлари айрим сержумбоқ жиноятларни фош этиш хусусида илтимос билан унга мурожаат қилишган ва у бу ишни қойилмақом этиб уддалаган.

Аммо адиб китобларида ўзи топган жиноятларни фош этиш билан кўпроқ машғул бўлар, фақат энди асарларида донгдор изқувар Шерлок Холмс номидан иш кўрар эди.

Ёзувчи қаҳрамони Шерлок Холмснинг шарофати туфайли яна бир номга эга бўлди. Адибни яхши билган танишлари ва Лондон аҳли унинг ўзини ҳам қаҳрамони номи билан аташарди. Артур Конан Дойл билан кўча-кўйда учрашиб қолишганларида: «Салом, мистер Шерлок Холмс», дея ҳазиломуз гап отишарди.

## ЁШЛАРГА ҚИЙИН БЎЛДИ

**Австралия полицияси хабарига кўра, эндиликда мамлакатнинг барча кинотеатрларида томошабинларни кузатиб туриш учун яширин телекамералар ўрнатилади. Ушбу қарорнинг қабул қилинишга кейинги пайтда шаҳар кинотеатрларида содир этилаётган жиноятларнинг кескин кўпайиши сабаб бўлди. Туггер шаҳридаги кинотеатрда 25 ёшли томошабиннинг ўлими ҳукуматнинг бу қарорини янада қатъийлаштирди.**

**Сидней шаҳри кенгашининг қарорига кўра олинган видео тасвирлар бирор жиноят содир этилганда фақат полиция маҳкамасигагина берилади.Кинозалдан олинган видеоматериаллардан телевидение ёки тижорат учун фойдаланиш тақиқланади.**

**Бу қарорнинг нечоғли фойдали эканлигини, албатта вақт кўрсатади.Бироқ севишган ёш йигит-қизларга қийин бўлди.Негаки энди улар ўз ишқий муносабатларини кинотеатрда бемалол намойиш этишаолмайдиган бўлишди.**

Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ тайёрлаган.

• Мактуб

# Ўша сўзни айтмагин, ўғлим...

*«Ўғлим, бу мактубни сенга илгарироқ ёзмаганим учун мени айблама. Чунки ҳали сен ёш эдинг. Бугун сен агар хотирам панд бермаса, 18 га тўласан. Демак, энди ҳамма нарсага ақлинг етади. Онанг билан танишганимизда мен ҳам сенинг ёшингда эдим. Қалбимиз эҳтиросларга тўла, муҳаббат шаробидан юракларимиз маст, иккимиз ҳам бир-биримизни сирдош, якка суянчиқ деб билардик. Хуллас, биз бир-биримизни беҳад севардик. Менинг ота-онам, сенинг бобонг ва бувингнинг эътирозларига қарамай, онангга уйланишга эришдим.*

*Биз бахтли эдик. Дунёда биздан-да бахтлироқ инсон борлигига ишонмас эдик. Орада сен туғилдингу, энди бахтимиз дунёга сиғмас бўлди. Муҳаббатимиз, севгимиз меваси бўлмиш жажжигина жуссани (сени) еру кўкка ишонмас эдик. Қисқаси, кунлар шу тахлитда ўтаётган эди...*

*Йиллар ўтиб, мен ўзим ишлаб турган корхонанинг раҳбари этиб тайинландим. Агар билганимда эди бу амал менинг ҳаётимни алғов-далғов қилиб ташлашини... Энди эса пушаймондан фойда йўқ. Халқда «Отамнинг ўлишини билганимда, бир қоп кепакка алмаштириб юборардим», деган нақл бор. Мен бу киноянли гапнинг мағзини энди чақяпман.*

*Хуллас; мени амал кўр қилди. Қўл остимда юздан ортиқ ишчи, атрофимда юзига дўст ниқобини ёпиб олган лаганбардор, тилёғлама ходимлар гирдикапалак.*

*Бунинг устига ишхонада кунига ё биров туғилади, ё кимдир менинг шаънимга зиёфат беради. Натижада уйга кеч қайтадиган, бунинг утига маст ҳолда келадиган одат чиқардим. Онанг эса оғиз очмасди. Бошқа хотинларга ўхшаб «Қаерда эдингиз? Ярим кечагача қаерда ичиб юрибсиз?» демасди. Суриштирмас эди.*

*Ўғлим, сенга бу гапларни айтиш мен учун оғир. Мендек худо қарғаган, ҳатто ер ҳам кўтаришга ор қиладиган жирканч бир кимса устидан хулоса чиқаришга ошиқма. Н. исмли котибам бўларди. Ёлғон сўзлаб не қилдим, унинг бир кўз сузишига ҳатто Фарҳод ҳам тешасини ташлаб, тоғдан тушиб келарди. Мен дастлаб унга барча ходимлар қатори муносабатда эдим. Бироқ, кунларнинг бирида «яхшигина» тушлик қилиб, ишга қайтдик. Н.га хонамга чой дамлаб киришини тайинладим. Н. чой олиб кирганда... Шайтон йўлдан урди мени. Унинг келишган қомати, нозли қарашлари...*

*Қисқаси, Н. билан пинҳона учрашиб юрадиган бўлдик. «Ойни этак билан ёпиб бўлмайди», деганларидек, бошда ишхонада Н.га нисбатан «шефнинг ўйнаши» деган шивир-шивирлар қулоққа чалинадиган бўлди. Эътибор қилмадим. Шундай кунларнинг бирида онанг сени олиб бувингларникига кетди.Мен эса фурсатдан фойдаланиб Н.ни уйга таклиф этдим.Нима учун шундай қилганимни ўзим ҳам билмайман.Сизларни икки-уч кун келмаса керак деб ўйлаб,уни уйда қолишига рухсат бердим. Аммо иккинчи куни дафъатан босилган эшик қўнғироғи менинг сўнгги ҳаётимни белгилаб бўлганди. Эшикни очиб, онанг билан сени кўрганимда қандай ҳолга тушганимни ёлғиз худо билади... Хуллас, онанг барча нарсадан воқиф бўлиб (кейин билсам, у ҳаммасини олдин ҳам билар экан, бироқ мени бунчаликка боришимни кутмаган) сени олиб уйдан чиқиб кетди...*

*Бу воқеага ҳам 14 йил бўлди. Сен унда 4 яшар бола эдинг. Мен ўзимни оқлаш учун кўп уриндим. Ялиниб-ёлвордим, кечирим сўрадим. Аммо онангдан бошқа аёл бўлганда ҳам балки мендек бир беномусни кечирмас эди...*

*Йиллар, ойлар, кунлар оқар сув каби оқиб борарди. Орада уйландим. Фарзанд бўлмади. Корхонамдан камомад чиқиб, ишим судга оширилди...*

*Энди мен учун иккинчи ҳаёт бошланди. Умрим давомида қилган гуноҳларим, хатоларим азобига фақатгина қамоқхонанинг совуқ деворлари гувоҳ.*

*Очиғи, бу ерда одам ўтган умрини, қилган гуноҳи, савоб ишларини сарҳисоб қилиб қолар экан. Ўйлаб кўрсам, гуноҳларим савобларимдан ортиқроқ экан.*

*Пешонамнинг шўрлигини кўргинки, иккинчи оилам ҳам мендан воз кечибди. Энди билсам, унга фақат мен топиб келган пуллар, молу-давлат керак экан. Аммо мен қилган гуноҳлар олдида бу жазолар камлигини ҳам биламан. Нима қилай, пешонамга шу ёзилган экан...*

*Ўғлим, ушбу мактубни бирон нарса илинжида ёзаяпти десанг янглишасан.*

*Дардимни тўкиб солай десам, қон қилган азобни қандай сўз билан айтишниям билмайман. Ишонсанг, мен жудаям ёлғиз, жудаям ғариб ва нотавонман. Биламан, битиб кетган ярангнинг тирналиши, қайта ундан қон силқиши сенгаям хуш эмас, лекин, нима қилай, айт, кимга кўнгил ёрай сендан бўлак. Биламан, бу ҳасрат сени ҳайрон қолдиради. Бу хатни жўнатган тақдиримда ҳам жавоб қилмайсан, очиб ҳам кўрмассан, эҳтимол.*

*Шуни биламан, бироқ... сенга айтар сўзим шунчалар кўпки...*

*Фақат сендан биргина ўтинчим. Кўнглим сезиб турган, қачон бўлса ҳам юзимга солишни ўзинг жуда-жуда истайдиган ўша гапингни айтмагин, менга. Ўтиниб сўрайман, айтма!*

*Ўғлим, ёлвораман сенга, ёлвораман... мени кечир...*

**Сенинг гуноҳкор**
**ДАДАНГ».**



# Аянчли қисмат

***Сани туғдим билмайсан,***
***Жирканч отанг отамдир.***
***Тор кўнглимда иффатим***
***Бир умрга мотамдир.***
***Алла ё алла...***

Қани, дўстим ё акам ва ё биродарим. Айтингчи биз қайси замонда яшаяпмиз? Ҳа, балли, топдингиз. Давримиз - миллий ўзликни англаш, уйғониш даври.

• Гуноҳлар ичида энг олий гуноҳ

Лекин баъзан орамиздан диёнат, меҳр-оқибат кўтарилганидан нолиб қоламиз. Ҳозир ким кўп яхшилар кўп. Аммо... Ўғри, каззоб, қаллоб, лаганбардор, фоҳишалар, ҳам орамизда бор. Аслида одам оқибатга ташна бўлади. Бу ҳаётда оқибатли бўлиш ҳам бир бахт. Оқибатсизлик - инсофсизликдир. Инсофсиздан эса яхшилик чиқмайди. Инсофни отага берсин, қизига берсин. Адашган ўғилга-ю, туққан онага берсин.

Ўйлаб қоламан. Ҳаётда шундай воқеалар учраб турадики, ўша биз санаб ўтган ўғрилик ва ҳатто қотилликдан юз чандон даҳшатлидир.

Бу ҳақда гапиришга ҳатто тил ожиз. Буни осон ҳазм қилиш учун кўзлар кўр, қулоқлар кар бўлиши керак. Бир кам дунёнинг баъзи жирканч кечинмаларидан ёқа ушлайсан киши. Нима бўлса ҳам бу ҳақиқат. Ойни этак билан ёпиб бўлармиди.

Ўғилнинг онаси билан интим алоқада бўлиши ёки отанинг ўз қизига кўз олайтириши гуноҳлар ичида энг олий гуноҳ эмасми?

Бир вақтлар бир воқеа ҳақида ўқиган эдим. Қайсидир тўйда балоғат ёшидаги йигит ўйинчи хотин билан апоқ-чапоқ бўлиб қолади. Тўйдан сўнг ўйинчини уйига таклиф қилади. Тунни маишатда бирга ўтказишади. Эрталаб хотин ҳаммомдан ювиниб чиққач, нариги хонага ўтиб девордаги суратга қарайди. Боласи билан тушган эски суратини танийди. Наҳотки, ўз боласи билан... Йиғлаганча эшикка отилади. Йигит «қочоқ» хотиннинг ортидан эшикка чиқса қўшниси: «Нега онангни йиғлатдинг?» - дейди.

Мана, фаҳшнинг оқибати. Ўйинчи хотин ўз ўғлининг шаҳват қурбони. Бундай нохуш воқеалар камдан-кам учрайди, албатта. Баъзи сўқир оталар-чи?

- Бир, икки, уч. Бир, икки, уч. Қўллар ёнга, энди юқорига. Ҳа, балли. Олдинга эгиламиз. Энди орқага.

- Ие, Гулчирой, нега машқни бажаролмаяпсан? Орқага эгил.

Гулчирой зўрға эгилди. Жисмоний тарбия ўқитувчиси Адҳам ака машқ жараёнида Гулчиройга обдон назар ташлади.

«Ие, нима бало? Қорни қаппайиб қолибдими?! Қиз бола-я. Товба қилдим. - Ҳушёр тортди у.

- Бу нима хаёл. Балки овқатни кўп егандир».

Танаффусга қўнғироқ жиринглади. Ҳамма тарқалди. Адҳам хонага кириб, Гулчиройнинг синф раҳбарига учрашди.

- Комила опа, сизда гапим бор.

- Хўш, нима гап экан? Ўқувчиларим ҳақидами?

- Шунга ўхшаш. Ҳалиги... Юринг, яхшиси, четроққа чиқайлик. Гапим хунукроқ.

- Товба денг. Тинчликми?

Буфет яқинида гап очилди.

- Бу, Гулчиройингизни мазаси йўқ. Қаторда базўр турди.

- Нима қипти? Шунга шунчами, мазаси йўқдир.

- Йўқ, йўқ. Менимча, гап унинг.... Қаппайиб қолган кўринади. Бир суриштиринг. Яна бирорта ўртоғи... Ҳалиги....

- Э, нафасингизга ўт тушсин!

- Энди, балога қолмайлик, дейман-да. Ўтган дарсда ҳам кўнгли айниб безовталаниб турувди.

Комила опа жиддийлашди.

Дарсдан сўнг Комила опа Гулчиройни синфда олиб қолди.

- Ҳа, қизим, нега хомушсан? - саволини бошлади ўқитувчи. Гулчирой индамади. Хомуш тортди.

- Нега индамайсан?

- Нима дейин? Ҳаммаси жойида. Нега сўраяпсиз?

- Тўғрисини айт. Нега қорнинг катталашган?

- Билмайман, - Гулчирой ерга қаради. Кўзларидан алам ёшлари думалади.

- Биласан. Гапир, - қистовга олди ўқитувчиси.

- Айтолмайман.

Комила опанинг юраги шиғ этди. «Оббо... Адҳам бекорга гапирмаган экан-да. Бир гап борга ўхшайди» - хаёлидан ўтди унинг.

- Бўпти борақол, эртага онангни бирга олиб кел, - деб тайинлади, қизга.

Эртаси куни Гулчирой онаси билан бирга келди. Комила опа қизни дарсдан олиб қолиб алоҳида хонага онани чақириб суҳбатлашди. Бу кутилмаган гапдан онаизорнинг юраги қинидан чиқаёзди. Гулчирой йиғларди.

- Айт қизим, ким сени бу аҳволга солди?

- Мени шарманда қилдинг болам, қандай бош кўтариб юраман энди...

- Кимлигини айт? - қайтарди Комила опа.

- Айтолмайман.

- Айтасан, - йиғлади она.

Гулчирой бир оз сукут сақлади.

- Биров...

Кутилмаган бу гапдан онанинг ҳам, ўқитувчининг ҳам кўзларидан ўт чақнаб кетди.

- Нима?

- Ҳа, биров. Икки йил олдин тегинган эди. Айтолмай келдим. Охири бўйимда бўлиб қолди.

Она базўр ўрнидан турди. Иккиланмай алам ўтида мелисага қўнғироқ қилди. Ўша номард ўз айбини бўйнига олмади. Миш-миш гаплар онаизорни адои тамом қилди. Боланинг туғилишини кутиш керак. Ўшанда экспертиза аниқлаб бериши мумкин. Орадан ойлар, кунлар ўтди... Бу орада она-бола қанча қон ютишди.

Гулчиройнинг чиройи кимга керак? Аммо тешик мунчоқ ерда қолмас, ерда қолса кимлар олмас.

Қирқлардан ошган кишидан совчи келди. Уч-тўрт бор уйланиб фарзанд кўрмаган экан.

Оқ либоссиз кетди. Оппоқ орзуларнинг барига ўша кимса ўт қўйиб кетди. Ўн етти ёшли қиз қўлида бировнинг боласи билан турмушга чиқди. Тақдирга тан бергани шу бўлди.

Орадан кўп ўтмай гўдак касалга чалиниб оламдан ўтди. Деярли ҳеч ким болага қайғурмади. Барибир уволи бор эди унинг.

Ўша мудҳиш кун янги йил кечаси содир бўлди. Гулчирой эри билан онасиникига меҳмонга келган эди. Янгаси билан супрада хамир қориб ўтирганида эшикда маст эри пайдо бўлди.

- Бўлақол кетамиз.

- Қаёққа?

- Энангникига, - бақирди куёв.

- Бормайман. Нега сўкасиз?!

- Билмайсанми қаерга боришингни?

- Билишни ҳам истамайман, бўлдими?

- Тур деяпман сенга...

- Ҳой, ҳой, оғзингизга қаранг - ўртага суқилди янга. - Бунинг шу ерда севгани бор. Катта кўча, кетаверинг.

- Ие, ҳали шунақами...

Гулчирой индамади. Куёв уч-тўрт марта тур-турлади. Қайсар келин қайишмади. Қаҳрдан ғазабланган эр ошхонада турган пичоқни олганча Гулчиройга ёпишди.

- Мана, мана, мана сенга...

Супрадаги ун қон билан қоришди. Пичоқ келинчакнинг ҳаётига нуқта қўйди. Қий-чув остида «мард» куёв тўғри мелисахона томон кетди.

Ҳукм ўқилди. Куёв қамалди.

Қамоқхонада икки маҳбус учрашиб қолишди. Гўё танишдек эдилар.

- Хизмат қалай? - сўради куёв.

- Ўзларидан сўрасак?

- Қаердансиз? Кўзимга иссиқ кўринаяпсиз.

- Нурлиданман.

- Ие, нега ўтирибсиз? Қайси айблов билан?

У тортиниб, қилган гуноҳини афсусланиб айтиб берди.

Куёв тортинмади.

- Мен эса... қизнинг қотилиман...

Уни титроқ босди. Қалтироқ қўллари билан юзларини чангаллаб қолди.

Бир гуноҳсиз қизнинг икки қотили бир-бирининг олдида ожиздек эди шу он.

Ҳар қалай, бундай аянчли қисмат баъзи инсонларга сабоқ бўлармикин. Қанийди...

**Шокир АҲРОРОВ.**

• *Қонун барчага баробар*

**Кейинги вақтда раҳбар маданияти ва маънавияти, фидоийлиги, халқпарварлиги ҳамда бошқа қатор инсоний фазилатлари хусусида кўп гапирилмоқда. Раҳбарликка танланган номзодларнинг шахсини ўрганишда уларнинг билими, тадбиркорлигидан ташқари ана шундай хислатларига алоҳида эътибор бериляпти. Негаки, юртбошимиз таъкидлаб ўтганларидек, фақатгина ана шундай фазилатларга эга бўлган раҳбарларгина одамларнинг бошини қовуштиради, улуғ мақсадлар сари бошлай олади.**

**Имон-эътиқоди суст кетган, мансаб курсисига ўтириб, босар-тусарини билмай қолганлар эса халқнинг дарду-қувончлари ҳақида бош қотиришни хушламай қоладилар. Энг ачинарлиси, улар давлат ва халқ мулкига хиёнат қилаётган, ҳаром луқма ютаётган ноинсофларнинг ҳайбаракаллачисига айланиб қолаётирлар. Жамият ҳаёти учун хавфли ҳисобланган бундай иллатга қарши ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан кескин зарба бериши бугун меҳнаткашларни руҳлантириб юборди.**

**Қуйида қилмишлари қаламга олинган мансабдор шахсларга ҳам қачондир ишонч билдирилиб, масъулиятли вазифалар топшириб қўйилганди. Аммо, уларда ишончни оқлаш туйғусидан шахсий манфаатлар устунлик қилди. Мансабни бойлик тўплаш воситасига айлантирган қаллоблар эндиликда билиб босган «тикан»ларининг жабрини тортмоқдалар.**

# МЎРИДАН «КЕЛГАН»... ДАРОМАД

## ЁКИ ХАЛҚ МАБЛАҒИНИ «ЁНДИРГАН» ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР

...Еркин Байкенов Навоий вилояти Ёнғинга қарши кураш жамияти (ЁҚКЖ) кенгаши раиси этиб тайинлангач, қўл остидаги ходимлардан ўзига содиқ, хоҳлаган мақомига йўрғалата оладиган кадрларни топишга киришди. Чунки, «лаббай, хўжайин»чиларсиз бирон «иш» қилиш қийин. Ахир, миядаги фикр ҳам қўл-оёқлар ёрдамида амалга оширилади-ку!

Раис бу масалада унчалик жон койитмади. «Ҳа» деб пинжига суқилишга уринаётган, атрофида гирдикапалак бўлаётган Навоий тумани Ёнғинга қарши кураш жамияти раиси Олим Иброҳимов тезда кўнглига «ўтирди». Синаш учун бир-икки марта бундайроқ «топшириқ»лар берганди, у амри вожиб қабилида сўзсиз бажарди. Сўнгра, каттароқ «иш»лар ҳақида гап очди. Аммо, О.Иброҳимов хизматга шайланиш ўрнига, унга қараб кўзларини пирпиратди. Раис шотирини чўчиётганини сезиб унга далда берди: «Ишингиз бўлмасин, ҳаммасини ўзим тўғрилайман, мана, мен бор!». Бу гаплардан, ўзини қуламас қоя паноҳида деб билган О.Иброҳимов Беркиновнинг жиноятларини амалга оширувчи чаққон дастёрга айланди.

Бу орада Навоий тумани аҳолисидан мўрилар хавфсизлигини текширишдан йиғиладиган пуллар «йўли» ҳам кассадан Е.Беркиновнинг ҳамёни томон бурилди. Ана шу мақсадда йиғилган маблағнинг 55 минг сўми 1997 йилнинг феврал ойида раиснинг «Москвич-412» русумли хизмат машинасининг моторини таъмирлашга ишлатиб юборилди. Кўп ўтмай Беркинов «тойчоғи»ни янгилади: эски «арава»сини шинамгина «Тико»га алмаштирди. Хўжайинни янги машина билан муборакбод этаётган чоғда О.Иброҳимов нафақат уни, балки уловини ҳам «мойлаб» туришга тайёр эканлигини билдирди. Ва шундай ҳам бўлди. «Тико» моторининг мойини алмаштириш, ўриндиқларга ғилоф қоплатиш О.Ибраҳимовнинг чекига тушди. Бу юмушлар бажарилиб, хўжайин мамнун бўлди. Туман ЁҚКЖ эса бундан 6500 сўм зарар кўрди.

...Албатта, ҳар бир жойда ишдаги «об-ҳаво» аввало, хўжайиннинг кайфиятига боғлиқ. Беркиновнинг тўсатдан қувончи ичига сиғмай қолишини унинг қўли остидагилар ўзларича изоҳлашди: «Каттамизнинг қизи Ойнур институтга кирибди. Шартномали дейишадими-ей...». Бу хабардан О.Иброҳимов ҳам севинган киши бўлдию, ичдан зил кетди: «Ишқилиб, энди қизининг шартномаси менинг бўйнимга тушмасинда!».

Кўнгли сезган эканми, ўйлагандай бўлди.

Беркинов уни кабинетига чақириб, қизининг ўқиши учун 30 минг сўм топиб беришини сўради. Кейин эса яна 17 минг сўм... Албатта, бу пулларни О.Иброҳимов ёнидан бермасди. Хўжайиннинг харажатлари бирдан-бир манба мўрилар хавфсизлигини текширишдан ЁҚКЖга тушадиган маблағлар ҳисобидан қопланарди.

Нафси ўпқон раис эса «ишчиларга маош учун», «хизмат сафари харажатлари учун» О.Иброҳимовдан сўраб олган пуллар ҳисобидан кайф-сафо қилиб юраверган. Иккала «наҳанг»нинг жамият маблағларини ямламай ютаётгани етмагандек, Е.Беркиновнинг қизининг ўқиши учун ҳам пул жамият ҳисобидан тўланади:

«... О.Иброҳимов мансаб ваколатидан фойдаланиб, Навоий вилояти ЁҚКЖ раиси Е.Беркиновнинг қизи О.Асқарова ўқиши учун Навоий давлат тоғ металлургия институтига 14 минг сўм пулни Навоий тумани ЁҚКЖ ҳисобидан кўчириб, жамият манфаатларига жиддий зиён етказган.

(Айблов хулосасидан).

Табиийки, О.Иброҳимов ҳам қўл қовуштириб турмади. Аҳолидан ходимлари томонидан йиғилган пулларни жамият ҳисоб рақамига ўтказиш ўрнига, кундалик харажатлари учун сарфлай бошлади. Ана шу ҳисобдан ҳамёнчаси қаппайиб юрди. Кўзини ёғ босган раис шу даражага бориб етдики, онасининг дафн маросимига ҳам нопок йўллар билан топилган пулларни ишлатишдан виждони оғримади.

«Ойни этак билан ёпиб бўлмайди», дейишади. Бу «халқчил» раҳбарларнинг ҳам асл қиёфалари фош этилди. Тергов жараёнида О.Иброҳимов мансаб ваколатидан фойдаланиб, бир гуруҳ шахслар билан тил бириктириб жамиятга 169840 сўм зарар етказганлиги, Е.Беркинов ҳам худди шундай йўллар билан 116500 сўм маблағни талон-торож қилганлиги, шунингдек, Навоий вилояти ЁҚКЖ омбор мудири И.Орзиев ҳам ими-жимида 7194 сўмлик буюмларни «тинчитиб» юборганлиги аниқланди. «Қовун-қовундан ранг олади», деганлари шу бўлса керак-да!

Хизмат вазифасидан фойдаланиб, доимий равишда юлғучлик билан шуғулланиб келган ушбу шахслар устидан яқинда одил суд ҳукми ўқилди. О. Иброҳимов ва Е.Беркиновлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилиб, уларнинг ҳар иккаласи 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилдилар. Шунингдек, суд мажлисида И.Орзиевнинг хатти-ҳаракатларига ҳам ҳаққоний юридик баҳо берилиб, унга нисбатан иш ҳақидан 20 фоиз миқдорини давлат фойдасига ундириш билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишига жалб этиш жазоси белгиланди.

**Санъат СОБИРОВ,**
**Навоий тумани прокуратурасининг терговчиси.**

• *Хабарлар*

### ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

Яқинда Самарқанд вилояти прокуратурасининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

Вилоят прокуратураси махсус инспекцияси фаолияти юзасидан вилоят прокурори 1-ўринбосари Б.Шомирзаевнинг ахбороти тингланди.

Вилоятда оғир ва ўта оғир турдаги қотиллик, босқинчилик, номусга тегиш, товламачилик, безорилик жиноятларининг кўпайиши сабаблари, уларнинг олдини олиш, фош этиш, тергов-тезкор ишларида қонунчиликка риоя қилиш аҳволи бўйича Ички ишлар идоралари тергов ва суриштирувни назорат қилиш бўлими бошлиғи М.Бекмуродовнинг маърузаси ҳам кўпчиликнинг диққатини тортди.

«Ўзбекистон Республикаси энергетика ва электрлаштириш ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш вазирликлари тизимида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва ўзаро ҳисоб-китоб ва тўлов интизомига оид қонун бўйича умумий назорат бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Б.Мўминовнинг маърузасида эса бугунги куннинг энг долзарб масалалари кўрсатиб ўтилди.

Ҳайъат сўнгида шаҳар ва туман прокурорларининг ноқонуний суд қарорлари устидан кассация протести келтириш амалиёти ва суд қарорларини вилоят суди раёсатида бекор қилиниши сабаблари ҳамда судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи Э.Очиловнинг ахбороти тингланди.

Ҳайъат йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

### ПРОКУРОР НАЗОРАТИДА

Самарқанд вилояти прокуратураси вилоят телевидениеси билан ҳамкорликда ташкил этган кўрсатуви худди шундай номланди.

Ҳар пайшанба куни ярим соат давом этадиган мазкур кўрсатувда прокуратура раҳбарлари ҳамда шаҳар, туман прокурорлари иштирокида бевосита мулоқотлар, жиноятчиликнинг олдини олишнинг турли восита ва тадбирлари бўйича қизиқарли кўрсатувлар, лавҳалар намойиш этилади.

**(Ўз мухбиримиз).**

• *Бузоқнинг югургани...*

# ТУНГИ «НИНДЗЯ»ЛАР

Чет эл кинолари, видеолар орқали юзларига ниқоб тутган, қоп-қора кийиниб олиб, босқинчилик қилган кишиларни кўрган бўлсангиз керак. Ана шундай киноларни кўравериб, «ниндзя»ларга ҳавас қилган уч паҳлавоннинг хаёлларига кино қаҳрамонларидек саргузашт қилгилари келди. Аввалига яхшилаб режа тузишди, сўнгра амалга оширишга киришдилар.

Гуруҳ бошлиғи - Эркин Ховос қўрғонига бориб, Абдулла исмли шахсдан 2000 сўмга қирқма милтиқ, ўқ сотиб олди. Ахир, «ниндзя»ларнинг қуроли бўлиши керак-да! 12 сентябрь куни кечки пайт гуруҳ аъзолари Мурод ва Суннатилла Эркин бошчилигида ниқоб ясашади. Қора рангли кийимларни кийиб, қўлларига кийиш учун қўлқоплар, пичоқ ва қирқма милтиқни олиб йўлга тушадилар. Йўл-йўлакай қаҳвахонага кириб «дадиллик учун» ичиб олишади.



Шундай қилиб, 13 сентябрга ўтар кечаси, тунги соат учларда Боёвут шаҳарчасининг Ж.Усмонов кўчасида «ниндзя»лар пайдо бўлди. М.Климовскийнинг уйига етганида қўлқоп ва ниқобларни кийиб олишди. «Шеф»нинг буйруғига кўра дарвоза симини пичоқ билан қирқиб ҳовлига киришди. Уй эшиги қулф бўлганлиги сабабли Суннат дераза ойнасини олиб, ичкарига кириб, уйнинг кириш эшигини ичкаридан очди. Шундан кейин Мурод ва Эркин уйга киришди. Мурод хоналарнинг бирида ухлаб ётган Андрейни бўйнидан бўғиб, пичоқ ўқталиб уйғотди. Чўчиб уйғонган Андрей ниқобли шахснинг қўлидаги пичоғини тортиб олиб, ўзини кроватдан ерга ағдариб йиқитади. Мурод қочиб қутулади.

Ўша вақтда гуруҳ бошлиғи ва ёрдамчи бошқа хонада уй эгаларини битта хонага қамаб, уларни қўрқитиб АҚШ доллари талаб қилишаётган эди. Уй соҳиби доллар йўқлигини айтгач, «шеф»нинг буйруғи билан Суннатилла уй эгаларининг оғиз ва қўлларини латта, рўмоллар билан боғлаб қўйди. Муроднинг орқасидан қувиб етолмай, уйга қайтиб кирган Андрей шу воқеанинг устидан чиқди. «Шеф» милтиқ ўқталиб, уни ҳам «банди» қилди ҳамда шеригига хонадаги нарсаларни олишни буюрди. Суннатилла стол устида турган хорижда ишланган «Шарп» русумли видеокамерани ва унга тегишли анжомларни сумкага солиб ғойиб бўлди. «Шеф» уй

• Чемпионлар мактаби

**Нурхон НАФАСОВ:**

# ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИНГ СОҒЛОМ БЎЛИБ ЎСИШЛАРИНИ ХОҲЛАЙМАН

*Суҳбатдошим Ўзбекистон Республикаси каратэ миллий федерацияси президенти, қора белбоғ 6-дан соҳиби Нурхон Нафасов. Одатда машҳур кишилар билан битадиган иш ё жуда осон, ёки ўта қийин кечади. Нурхон акани топиш ҳам осон бўлмади. Федерацияга ҳар гал қўнғироқ қилганимда у киши гоҳ иш билан чиқиб кетган, гоҳ ёнида меҳмонлар бўлади. Шундай қўнғироқларнинг бирида у киши машқ залида эканлигини эшитдиму, федерация томон йўл олдим. У киши билан машқ залига кираверишда рўпара келдик. Қуюқ сўрашдик. Ўзимни таништириб, мақсадимни англатиб улгурмасимдан мени хоналарига таклиф қилдилар. Юзга фотиҳа тортгач, ниятимни айтдим. Нурхон ака машқдан кейинги ҳордиқ онларини ушбу мусоҳабамиз учун ажратишга мамнуният билан рози бўлдилар.*

**Сўнгги бир неча йил ичида Ўзбекистон ҳам жаҳон ҳамжамияти эътироф этган давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин олди. Ва бу оламшумул воқеага ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаётган ҳамюртларимиз сафида Ватанимиз спортчиларининг ҳам борлигини алоҳида таъкидламоқ лозим. Агар 1998 йилнинг сўнгги бир неча ойига назар ташлайдиган бўлсак бунга ўзимиз ҳам амин бўламиз. Профессионал боксчимиз А. Григоряннинг жаҳон биринчилигидаги навбатдаги ғалабаси (мамлакатимиз истиқлолининг 7 йиллигига 7 ғалаба - муносиб совға), шахматчимиз И.Ҳамроқуловнинг ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионлигини қўлга киритиши, Таиландда бўлиб ўтган XIII Осиё ўйинларида зафар қучган енгил атлетикачиларимиз, боксчиларимиз ёки каратэ бўйича Венгрияда бўлиб ўтган мусобақаларда ёш каратэчиларимизнинг эришган муваффақиятлари ва ҳоказо.**

**- Нурхон ака, авваламбор Сизни ва сиз орқали бутун жамоангизни Жаҳон кубоги баҳсларидаги муваффақиятлар билан таҳририят ҳамда ўзим номимдан табриклайман. Каратэ республикамизда нисбатан ёш спорт турларидан саналади. Айтмоқчиманки, шу қисқа фурсат ичида Жаҳон биринчилигида қатнашиш учун жамоани тайёрлаш осон иш эмас. Жамоангиз вакиллари эса нафақат бу мусобақада қатнашдилар, балки Жаҳон кубоги ҳамда олтин медални ҳам қўлга киритдилар. Бунинг сири нимада?**

- Табрик учун раҳмат. Тўғри, бизда каратэ эндигина ривожланиб келмоқда. Аммо шу қисқа вақт ичида анча-мунча мусобақаларда қатнашиб, хориж давлатлари спортчиларига Ўзбекистонда ҳам уларга муносиб рақиблар борлигини билдириб қўйдик.

Декабрь ойининг бошида Венгриянинг Будапешт шаҳрида болалар ва ўсмирлар ўртасида VII жаҳон кубоги беллашувлари бўлиб ўтди. Бу мусобақада дунёнинг 40 мамлакатидан 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган 4000 дан ошиқ спортчи қатнашди. Мусобақаларни лозим даражада ўтказган терма жамоамиз аъзолари 3 та олтин, 2 та кумуш ва 2 та бронза медали ҳамда жаҳон кубогини қўлга киритдилар.

Ютуғимизнинг сири эса, барча спортчилар учун маълум бўлган тинимсиз машқлардир. Бундан ташқари биз уларда миллий ғурурни ўстиришга ҳаракат қиламиз. Яъни ҳар бир спортчимиз рақиби рўпарасига чиққанда, у бу ерда бекорга турмаганлиги, балки Ўзбекистондек давлатнинг вакили бўлиб келганлигини, халқининг шаънини ҳимоя қилиш лозимлигини тушунтирамиз. Айтмоқчи, бу ўринда ирода ҳам мустаҳкам бўлиши керак. Улар машқдан машққа ўз иродаларини чиниқтириш устида мунтазам шуғулланадилар. Спортчининг иродаси мустаҳкам бўлмас экан, бирор натижага эришиш қийин.

**- Яна Венгриядаги мусобақаларга қайтсак. Билишимча, бу мусобақа ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтди. Шу ўринда менга бир савол ҳеч тинчлик бермаяпти. Дейлик, футболни бир эмас ўн бир киши ўйнайди. Ўйин даврида улардан бир-бирини тушуниш, керак пайтда ёрдамга етиб келиш, уюшқоқлик талаб қилинади. Қолаверса, уларнинг деярли барчаси спорт усталаридир. Шундай бўлишига қарамай улар лозим даражада ўйин кўрсата олмайдилар. Юқоридаги ҳолатда эса ҳали онаси бағридан тўла чиқиб улгурмаган болакайлар бегона юртда, бегона болалар билан яккама-якка беллашувга чиқсаларда, ғолиб бўлсалар.**



Н.Нафасов шогирдлари билан.

-Менимча ҳар ким ўзи учун ўзи жавоб бергани маъқул. Бизнинг жамоа спортчиларига келсак, мен бу ҳақда боя қисман жавоб бериб ўтдим. Бундан ташқари биз нафақат мусобақаларда қатнашамиз, балки шу баҳона тажриба ҳам алмашамиз.

Агар аҳамият берган бўлсангиз, катта ёшдаги спортчиларимизга нисбатан ўсмирларимиз яхши натижа кўрсатмоқдалар. Бунга ўзим ҳам ҳайрон бўлардим.

Маълум бўлишича, кўпгина давлатларда спорт билан 5-7 ёшдан бошлаб шуғулланарканлар. Улар 20 ёшга етганларида эса, спорт билан 13-15 йилдан буён шуғулланаётган бўладилар. Бизда эса бу спорт тури ёш бўлганлиги туфайли катта ёшдаги спортчиларимиз маълум даражада тажрибага эга эмаслар. Энди болаларга келсак, бизда ҳам, хорижда ҳам улар деярли бир вақтда спорт билан ошно бўладилар. Шу сабабли уларда ўзларини кўрсата олишлари учун имконият етарли. Қолаверса, бу керакли ҳосил олиш учун дарахтни кўчатлигиданоқ яхши парваришлашдек гап.

**- Юқорида ироданинг мустаҳкам бўлиши ҳақида гапирдингиз. Иродани қандай қилиб чиниқтириш мумкин? Умуман, сиз ирода деганда нимани тушунасиз?**

- Инсоннинг ўз олдига қўйган мақсадига ҳар қандай қийинчиликни енгиб бўлсада етишувини ирода дейиш мумкиндир. Иродани чиниқтириш учун эса, тинмай ҳаракат қилиш керак. Ҳеч қачон тушкунликка тушмаслик лозим. Бундан ташқари жамоамизга энди қўшилган болаларга уйда ойна олдида бажариш учун вазифалар бериб турамиз. Агарда болакай уйда эринмай, қийинчиликларни енгиб уй вазифаларини бажарса, ундан умид қилса бўлади ва бу ҳам иродани чиниқтиришнинг усулидир. Уларнинг уйда қандай тайёрланаётганликлари ҳақида ота-оналари бизни хабардор этиб турадилар. Лекин дорини ҳам меъёрида истеъмол қилиш лозим бўлганидек, биз ҳам меъёрга амал қиламиз. Айтмоқчиманки, уларни зада қилиб қўймаслик керак.

**- Нурхон ака, шоир, ёзувчи, хонанда, рассом бўлиш учун туғма истеъдод керак. Ҳар қанча машқ билан керакли даражага етиб бўлмайди. Айтингчи, каратэ учун ҳам иқтидор керакми?**




Ҳар бир ғалаба Ватанимиз шаъни учун...

- Албатта керак деб ўйлайман. Мисол учун юзта бола шуғулланишни бошлади дейлик. Кўп ўтмай улардан 4-5 тасигина қолади. Тўрт-бештасигина қолади деганимда бошқаларидан спортчи чиқмас эканда, деган ўйга борманг. Уларнинг ҳам кўпчилиги авваламбор соғлом бўлиб ўсишади ҳамда яхшигина спортчи бўлишлари мумкин. Лекин юқорида таъкидлаганимдек, уларнинг саноқлиларигина ўз соҳасининг устаси даражасига етадилар. Менинг асосий мақсадим, жаҳон бўйлаб юртимиз мадҳиясини тез-тез янгратиб, байроғимизни баландроқ кўтаришга эришишдир. Мусобақаларда ғолиб бўлган пайтларимизда юртимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграганда, ишонсангиз фахрдан кўзларимга ёш келади. Шу билан бир қаторда фарзандларимизнинг соғлом бўлиб ўсишларини ҳам жуда хоҳлайман. Ахир, соғлом танда, соғ ақл деб бежиз айтилмаган-ку. Ота-оналарга маслаҳатим, майли каратэ бўлмасин, спортнинг хоҳлаган турига фарзандларингизни беринг. Асосийси, уларнинг соғлом бўлишларидир. *Ўз қадрини билган спортчи эса ичкилик, тамаки ва бошқа балолардан ҳазар қилади. Бу билан эса, жиноятчиликнинг ҳам маълум даражада олди олинади.*

**- Республикамизда шарқ якка курашининг каратэ, таэквандо, айкидо, кикбоксинг турлари мавжуд бўлиб, эндиликда, улар сафига яна тайбокс билан хапкидо ҳам қўшилмоқда. Назаримда бу спорт турлари кўп ҳолларда бир-бирига ўхшаб кетади. Уларнинг турини кўпайтирмай умумлаштириб бўлмасмикан?**

- Четдан қараганда шундай бўлиб туюлиши мумкин. Аслида эса ундай эмас. Ахир бу турларнинг ҳар бири бир дунё-ку ва улар бекорга дунёга келмаган. Ёки сиз бир дарахтнинг ўзидан ҳам шафтоли, ҳам олма, ҳам ўрик олмоқчимисиз?

**-Ўзбек қизларининг каратэ билан шуғулланишларига қандай қарайсиз?**

-Тўғрисини айтсам, маъқулламайман. Энди соғлом бўлиш учун шуғуллансалар бўлади. Каратэ хотин-қизларга хос спорт тури эмас.

**- Мана бу йил аёллар йили. Шу суҳбат баҳона аёлларимизга нима тилак билдирардингиз?**

-Аёлларимизга, онахонлару опа-сингилларимга аёллик бахтини тилайман.

**Суҳбатдош**
**Ғофуржон АЛИМОВ.**

---

эгаларини қўрқитиб, милицияга хабар бермасликни маслаҳат берди, уйдан чиқишда сўзининг исботи сифатида милтиқдан ерга қарата ўқ узди.

«Ниндзя»лар воқеа содир бўлган жойдан анча узоқроқда учрашишиб, ниқоб ва кийимларини, қирқма милтиқ ва пичоқларни битта қопга солишди. Қоп янада оғирроқ бўлиши учун ичига тош солишиб, Саркисов каналига чўктириб юборишди.

Эртаси куни қўлга киритилган «ўлжа»ни пуллаш мақсадида Ўратепа шаҳрига боришди, аммо сота олишмади.

Кузатган бўлсангиз, аксар ҳолларда киноларда жиноятчилар ҳуқуқ посбонлари томонидан қўлга олинади. Бу сафар ҳам шундай бўлди: милиция ходимлари томонидан кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида босқинчиларнинг икки нафари қўлга олинди. Учинчиси эса айбини бўйнига олиб, ўзи ички ишлар бўлимига кириб келди.

Ҳа, саргузашт-ку, кинодагидек бўлди, лекин унинг таассуроти ҳаддан ташқари ёқимсиз эканини «ниндзя»лар судда билишди. Суд ҳукми билан Эркин Худоёров 12 йил, Суннатилла Абдураҳмонов 11 йил, Мурод Каримов 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилдилар. Улар жиноятга жазо муқаррар деган гап ростлигига ишонган бўлсалар ажабмас.

**Нормат НАЗАРОВ,**
**Боёвут тумани ИИБ терговчиси.**
**Соҳиба ҲАЙИТБОЕВА.**

---

• Яна шов-шув

## Тайсон яна темир панжара ортида

Жаҳон профессионал боксининг машҳур юлдузи яна қора курсида. Бу сафар у катта автотрассада содир этилган муштлашувнинг сабабчиси бўлди.

Ўтган жумада Монтгомери графлигида район суди биноси одамлар билан тўлиб кетди. Бу ерда нафақат ўзининг рингдаги ютуқлари, балки жанжалли тарихи билан машҳур Майк Тайсонни суд қилишди. Яқин ўтмишдаги мутлақ чемпион 1995 йили Индияна штатидаги қамоқхонадан чиққан эди.

Рингга қайтиб улгурмасдан 1997 йил июн ойида Эвандер Холлифилд билан бўлган жангда Тайсон рақибининг қулоғини тишлаб олади ва бунинг учун 16 ойга рингдан четлатилганди. Уч ҳафта олдин у яна қўлқоп кийиб, Франсуа Ботуни нокаут қилиб улгурди. 24 апрелга эса Лос-Вегасда жанг ўтказиши белгиланиб, бу жанг унга катта боксга қайтишига муҳим имконият бўлиши мумкин деб ҳисоблanганди. Афсус, унинг омади чопмади. У хотини Моника ва тан қўриқчиси билан ўз автомобилида кетаётганида бошқа бир автомашина билан тўқнашиб кетади. Машинаси бироз пачоқланганидан ғазабланган боксчи 62 ёшли анестезиологни бир уришда нокаут қилади, 50 ёшли юристнинг эса икки оёғи орасига тепади.

Суд машҳур спортчини бир йилга озодликдан маҳрум қилди. Бу ҳолат унинг боксдаги шуҳратига нуқта қўйилишига олиб келиши мумкин. Агар адвокатлар аппеляцияси ҳеч бир ижобий натижага келмаса, унда чиқарилган ҳукм Невадада атлетика бўйича комиссияси Майк Тайсонни спортдан умуман четлатиш тўғрисида қарор чиқаришига олиб келиши мумкин.

Лекин булар Тайсоннинг ўзига тилаб олган кулфатларнинг ҳаммаси эмас. У муддатидан олдин озодликка чиққанидан сўнг белгиланган синов муддати тугашига бир ой колганида бир кишини қаттиқ дўппослаганди. Агар Индиана штатидаги суд Мантгомери графлигидаги каби унинг ҳаракатлари бўйича қатъий ҳукм чиқарадиган бўлса, Тайсон бу сафар бирмунча кўп муддатга темир панжара ортига тушиб қоладиши мумкин.

**Д.ХАЛИЛОВ тайёрлади.**

